

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.FIL.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА НАРГИЗА ЭРКИНОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАГИ
ГРАДУОНИМИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ
ЛИНГВОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
philological sciences**

Абдуллаева Наргиза Эркиновна

Инглиз ва ўзбек халқ мақолларидаги градуонимик муносабатларнинг
лингвопрагматик хусусиятлари 3

Абдуллаева Наргиза Эркиновна

Лингвопрагматические особенности градуонимических отношений в
народных пословицах английского и узбекского языков 25

Abdullaeva Nargiza Erkinovna

Linguopragmatic features of graduonimic relations of English and Uzbek
national proverbs 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

Иловалар

Приложение
Appendixes 53

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.FIL.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА НАРГИЗА ЭРКИНОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАГИ
ГРАДУОНИМИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ
ЛИНГВОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.3.PhD/Fil340 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джумабаева Жамила Шариповна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Сафаров Шаҳриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Ширинова Нилуфар Джаббаровна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андижон давлат университети ҳузуридаги Dsc.26.04.2018.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: наука@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети, 1-қават, 112-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ш.О.Назирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н.

И.А.Сиддиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор в.б.

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги тараққиётининг асосий омиллари сифатида лингвистик бирликларнинг бевосита ва билвосита алоқаларини батафсил таҳлилга тортиш ва ушбу таҳлил натижасида илмий жиҳатдан янги лингвистик парадигмаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш каби илмий тадқиқотлар ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, жаҳон тилшунослигининг тараққий топиши ўз ўрнида дунёдаги табиий тилларнинг ривожланиш жараёнига оид тадқиқотларнинг бевосита боғлиқликда олиб борилишини тақозо этади.

Дунё тилшунослигида лисоний бирликлар орасидаги лексик-семантик муносабатларни ифода этувчи синонимия, антонимия, омонимия, полисемия, гипонимия, меронимия, плесионимия каби парадигмалар чуқур тадқиқ этилган бўлиб, ушбу парадигмаларнинг семантикадаги ўрни, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари турли тилларда атрофлича таҳлилга тортилган. Чунки табиий тилларнинг лексик, семантик, синтактик, морфологик, фразеологик, лингвомаданий, лингвопрагматик каби лингвистик жиҳатлари бир-биридан турли даражада фарқ қилиши сабабли муайян лексик-семантик парадигманинг бир нечта тиллар таркибида ўзаро қиёслаб ёки чоғиштириб ўрганилиши унинг ўзига хос хусусиятларини янада кенгроқ очиқ берилишини ҳамда лексик-семантик парадигманинг жаҳон тилшунослигида ўрганилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида таълим-тарбия ва илм-фанга, шунингдек, илмий тадқиқот ишларини рағбатлантириш ҳамда илмий-оммабоп лойиҳалар соҳасида инновацион фаолиятни такомиллаштиришга берилаётган алоҳида эътибор давлатимизни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ ҳам ўз аксини топган. Бинобарин, она тилимизни унга қардош бўлмаган ҳинд-европа тиллари билан ўзаро чоғиштириб ўрганиш асосида тилшуносликни ривожлантиришга қаратилган илмий изланишлар кўлами ҳам сезиларли даражада кенгаймоқда. Ўзбек тилшунослигида илк бор ўрганилган «градуонимия» ҳодисаси содда тил бирликлари орасидаги лексик-семантик муносабатни ифодаловчи парадигма сифатида тадқиқ қилинган бўлса-да, унинг мураккаб бирликлар – мақоллар таркибидаги даражали муносабатларни ўзида бевосита акс эттириши замонавий тилшуносликда тадқиқ этилмаган. Хусусан, инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларнинг лексик, стилистик, семантик, лингвомаданий хусусиятларини ўрганган ҳолда улар таркибидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик хусусиятларини ўзаро боғлаб тадқиқ қилиш ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, № 28 (6722).

давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Градуонимия (даражаланиш) тушунчаси ўзбек тилшунослигида 1989 йилда сўзлараро маъно муносабатларининг бир кўриниши сифатида талқин этилиб, бу ҳодиса «градуонимия»² деб номланган. Аввалроқ Н.Трубецкой, Р.Якобсон, С.Кацнельсон, Ю.Степанов, С.Ғиёсов, Д.Круз ва яна бир нечта олимларнинг ишларида³ кўрсатилган илмий қарашлар градуонимиянинг ўрганилишига тўртки бўлган. Кейинчалик Р.Сафарова, М.Нарзиева, М.Файзуллаев, Н.Ширинова ва Л.Элмурадованинг ишларида⁴ градуонимия ҳодисасига қисқача тўхталиб ўтилди. Градуонимия Ш.Орифжонова, О.Бозоров, Н.Воҳидова, Ж.Джумабаева ва Ғ.Раҳмонов⁵ томонидан чуқур таҳлилга тортилган.

² Бегматов Э., Неъматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 6, 1989. – Б. 35-40.

³ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М.: Иностранная литература, 1960. – 372 с.; Якобсон Р., Фант Г.М., Халле М. Введение в анализ речи // Новое в лингвистике. Вып. II, 1962. – С. 173-186.; Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М.-Л.: Наука, 1965. – С. 81-83.; Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. Учебное пособие. – М.: Просвещение, 1975. – С. 38.; Ғиёсов С. Ўзбек тилида субъектив баҳо сифатларининг семик таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. № 2, 1986.– Б. 28-32.; Cruse D.A. Lexical Semantics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1986. – P. 187-195; Cruse D.A. The Lexicon. In: Aronoff M., Rees J.M. (eds.) The Handbook of Linguistics. – N.Y.: Blackwell Publishing, 2002. – P. 182-200.

⁴ Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов): Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1990. – 142 с.; Нарзиева М.Д. Семантическая структура имен существительных возрастной характеристики лица в узбекском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1992. – 28 с.; Файзуллаев М.Б. Сравнительно-типологические особенности лексико-семантических групп глаголов психического состояния в русском и узбекском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1994. – 23 с.; Ширинова Н.Д. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2010. – 123 б.; Элмурадова Л.Н. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси микромайдони). Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2011. – 26 б.

⁵ Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1994. – 113 б.; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 1997. – 270 б.; Vokhidova N. Ergebnisse einer web-basierten Umfrage zur Graduonymie // Akten des 43. Linguistischen Kolloquiums: Pragmantax II. Zum aktuellen Stand der Linguistik und ihrer Teildisziplinen, 2007.; Vokhidova N. Lexikalisch-semantische Graduonymie im Deutschen // GLDV-2007: Workshop on Lexical-Semantic and Ontological Resources: Proceedings / С.Кунзе, Л.Лемнитцер, Р.Освальд. – S. 119-128.; Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 2016. – 231 б.; Раҳмонов Ғ. Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати. PhD дисс. – Фарғона, 2018. – 132 б.

Фразеологик бирликларнинг ўзаро семантик даражаланиши ҳақида Ш.Раҳматуллаев, А.Абдуллаев, И.Расулов ва О.Бозоровнинг ишларида⁶ ёритилган бўлса-да, мақоллардаги градуонимик муносабатлар масаласи шу вақтга қадар тадқиқ манбаи бўлмаган.

Жаҳон тилшунослигида мақолларни тўплаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш устида салмоқли ишлар амалга оширилган. Хусусан, жаҳон тилшунослигида В.Мидер, Н.Норрик, П.Грзибек, В.Жесеншек, Н.Прекина ва яна бир қанча паремиологлар⁷ ушбу соҳага оид мавзуларда илмий ишлар олиб боришди. Шунингдек, В.Мидер, М.Куси, В.Даль, Г.Пермяков, Ж.Спик, Ж.Симпсон, О.Лаухакангас ва яна бир неча олимлар⁸ турли тиллардаги мақолларнинг таснифини яратишди ва шунинг асосида паремиологик луғатлар тузишди. Ўзбек тилшунослари Ш.Раҳматуллаев, О.Мадаев, З.Машарипова, А.Маматов, Ў.Юсупов ишларида⁹ мақол ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари борасида атрофлича тўхталиб ўтилган бўлса, Ҳ.Бердиёров ва Р.Расулов, Ш.Шомақсудов ва Ш.Шораҳмедов, Т.Мирзаев, А.Мусоқулов ва Б.Саримсоқов, К.Караматова ва Ҳ.Караматовлар томонидан яратилган луғатлар¹⁰ ўзбек мақолшунослигининг ривожиди катта аҳамият касб этади.

⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Фразеологик бирликларда полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимийлик. – Т.: Фан, 1966. – 262 б.; Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маънолари компонент таҳлилининг баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. № 3, 1986. – Б. 20.; Абдуллаев А. Фразеологизмларнинг экспрессивлик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5, 1976. – Б. 36-39.; Расулов И. Фразеологизмларда шакл ва мазмун муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1, 1987. – Б. 62-66.; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Монография. – Т.: Фан. 1995. – 132 б.

⁷ Mieder W. Origin of Proverbs. In: Gotthardt H.H., Varga M.A. (ed.) Introduction to Paremiology: A Comprehensive Guide to Proverb Studies. – Warsaw/Berlin: De Gruyter Open, 2014. – P. 28-44.; Norrick N.R. Subject Area, Terminology, Proverb Definitions, Proverb Features. In: Gotthardt H.H., Varga M.A. (ed.) Introduction to Paremiology: A Comprehensive Guide to Proverb Studies. – Warsaw/Berlin: De Gruyter Open, 2014. – P. 7-27.; Grzybek P. Semiotic and Semantic Aspects of the Proverb. In: Gotthardt H.H., Varga M.A. (ed.) Introduction to Paremiology: A Comprehensive Guide to Proverb Studies. – Warsaw/Berlin: De Gruyter Open, 2014. – P. 68-108.; Jesenšek V. Pragmatic and Stylistic Aspects of Proverbs. In: Gotthardt H.H., Varga M.A. (ed.) Introduction to Paremiology: A Comprehensive Guide to Proverb Studies. – Warsaw/Berlin: De Gruyter Open, 2014. – P. 133-161.; Прекина Н.В. Градуальная семантика русских пословиц. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2005. – 22 с. <http://cheloveknauka.com/v/140617/a/?#?page=9>.

⁸ Mieder W., Kingsbury S.A. and Harder K.B. A Dictionary of American Proverbs. – N.Y.: Oxford University press, 1992. – 728 p.; Kuusi M. Towards an International Type-System of Proverbs. – Helsinki: Academia Scientiarum Fennica, 1972. – 221 p.; Даль В.И. Пословицы русского народа. (издание третье) – М.: Товарищество М.О.Вольф, 1904. – 1096 с.; Permyakov G.L. From Proverb to Folk-Tale. Notes on the General Theory of Cliché. – М.: Nauka, 1979. – 286 p.; Speake J., Simpson J. The Oxford Dictionary of Proverbs. Fifth Edition. – N.Y.: Oxford University Press, 2008. – 625 p.; Lauhakangas O. Categorization of Proverbs. In: Gotthardt H.H., Varga M.A. (ed.) Introduction to Paremiology: A Comprehensive Guide to Proverb Studies. – Warsaw/Berlin: De Gruyter Open, 2014. – P. 49-66.

⁹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг асосий маъно турлари. – Т.: Фан, 1966. – Б. 58.; Мадаев О. Халқ оғзаки ижоди. – Т.: Шарқ, 2001. – 181 б.; Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – 115 б.; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари. Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 1999. – 317 б.; Юсупов Ў.Қ. Contrastive Linguistics of the English and Uzbek Languages. Инглиз ва ўзбек тилларининг чоғиштирма лингвистикаси. – Т.: Академнашр, 2013. – 262 б.

¹⁰ Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. (Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари студентлари учун қўлланма). – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 288 б.; Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. Нега шундай деймиз. – Т.: Ғафур Ғулом, 1988. 286 б.; Мирзаев Т., Мусоқулов А. ва Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. Т.: Шарқ, 2005. 257 б. –; Караматова К.М., Караматов Ҳ.С. Proverbs. Мақоллар. Пословицы. – Т. Мехнат, 2000. – 398 б.

Лингвопрагматика соҳаси Ч.Пирс ва Ч.Моррис, Н.Арутюнова, К.Бах, Р.Ҳарниш, Ж.Мей, Н.Филаткина, С.Левинсон, Ш.Сафаров каби тилшунослар¹¹ томонидан чуқур ўрганилган бўлиб, ўз вақтида фразеологик бирликларнинг лингвопрагматик вазифалари ва хоссалари Х.Люгер¹² томонидан таҳлилга тортилган эди.

Жаҳон тилшунослигида мақолларнинг лексик, морфологик, синтактик, стилистик, семантик, когнитив, прагматик, дидактик ва лингвомаданий хусусиятлари чуқур ўрганилган бўлса ҳам, инглиз ва ўзбек тилларидаги халқ мақолларининг ички градуонимик муносабатлари ҳамда мазкур градуонимик муносабатларнинг бу икки тилдаги чоғиштирма лингвопрагматик таҳлили масаласи шу вақтга қадар тадқиқ манбаи бўлмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Турли тизимли тилларнинг чоғиштирма ва типологик хусусиятлари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек халқ мақоллари таркибидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик жиҳатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

градуонимия тушунчасини ўрганиш ва тилнинг турли сатҳларидаги градуонимик муносабатларни таҳлил қилиш;

паремиологияга градуонимия тушунчасини олиб кириш;

инглиз ва ўзбек халқ мақолларининг структур, стилистик ва лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш ҳамда ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;

инглиз ва ўзбек халқ мақолларининг чоғиштирма семантик таснифини амалга ошириш;

мақолларнинг лингвопрагматик хусусиятларини ўрганиш;

градуоним компонентли мақолларни таснифлаш;

инглиз ва ўзбек халқ мақолларида градуонимларнинг лингвопрагматик хусусиятларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объектини инглиз ва ўзбек халқ мақоллари таркибидаги градуонимик муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек халқ мақоллари таркибидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик хусусиятлари тавсифи ҳисобланади.

¹¹ Morris C.W. Foundations of the Theory of Signs. – Chicago: The University of Chicago Press, 1938. – 59 p.; Арутюнова Н.Д. Дискурс. В кн.: Лингвистическая энциклопедия. – М., 1990. – С. 136-137. Bach K., Harnish R.M. Linguistic Communication and Speech Acts. – Cambridge, Mass.: MIT Press, 2000. – 484 p.; Mey J.L. Pragmatics: An Introduction. 2nd ed. – Oxford: Blackwell, 2001. – 392 p.; Filatkina N. Pragmatische Beschreibungsansätze. In H. Burger et al. (eds.), Phraseologie. Ein internationales Handbuch der zeitgenössischen Forschung. 1. Halbband. – Berlin/N.Y.: de Gruyter, 2007. – P. 132–158.; Levinson S.C. Pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2008. 420 p.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Т., 2008. – 318 б.

¹² Lüger H.H. Satzwertige Phraseologismen. Eine pragmlinguistische Untersuchung. – Wien: Praesens Verlag, 1999. – P. 177.

Тадқиқот усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда чоғиштирма, дифференциал-семантик, сўровнома, компонент таҳлил, контекстуал таҳлил ва тил корпусига асосланган таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида градуонимия ҳодисасининг паремиологияда мавжудлиги ҳамда ундаги градуонимик муносабатларни мақоллараро ташқи ва мақол таркибидаги ички турларга ажратиш асосланган;

лингвопрагматикага мақолларнинг нутқий актни ва адресантнинг интенциясини ифодалаши, дейксис вазифасини бажариши, трансакциянинг бир қисми бўлиши, адресант ва адресантнинг шахсий, ижтимоий ва психологик хусусиятларини ҳамда мулоқот вазиятидаги ҳолат, замон, макон каби омилларни ўзида акс эттира олиши, контекстдаги инференцияни ифодалаши каби лингвопрагматик жиҳатларини ўзида қамраб олган «паремиопрагматика» йўналишини киритиш далилланган;

қиёсланаётган тилларда градуоним компонентли мақоллар макроградуонимик, микроградуонимик, миқдорни англатувчи градуонимик, циклик градуонимик, уникал градуонимик ва турли градуонимик муносабатларга эга мақоллар турларига бўлиниши исботланган;

инглиз тили корпуслари – BNC ва COCA асосида инглиз халқ мақоллари таркибидаги градуонимик муносабатларнинг мақолнинг контекстуал мазмунида одатда ижобий ва нейтрал ҳамда баъзида салбий прагматик баҳони ифодаланишига ҳамда ўзбек тилидаги бадиий асарлар ва оғзаки нутқ матнларидан олинган парчалар асосида ўзбек халқ мақолларидаги градуонимик муносабатларнинг мақолнинг контекстдаги мазмунида одатда салбий ва нейтрал ҳамда баъзида ижобий прагматик баҳони ифодаланишига сабаб бўлиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек халқ мақолларидаги градуонимик муносабатларни аниқлаш бўйича олинган таҳлиллар асосида «Dictionary of English and Uzbek national proverbs containing graduonyms/Graduonim komponentli ingliz va o‘zbek xalq maqollari lug‘ati» яратилган;

илмий муомалага *мақолларнинг ташқи градуонимияси, мақолларнинг ички градуонимияси, паремиопрагматика* терминларини киритиш асосланган;

турли тизимли тилларга хос мақолларнинг таркибида учрайдиган градуонимлар ва уларга хос лингвопрагматик хусусиятларнинг атрофлича тадқиққа тортилиши орқали олинган натижалар тил ўргатиш амалиётида фойдаланилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммо юзасидан илмий қарашларнинг ўрганилганлиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги ва ишончли манбалардан фойдаланилганлиги, таҳлилга тортилган материаллар инглиз ва ўзбек тиллари табиатидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик пухталиги, мавзу бўйича илмий асосланган назарий хулосалар чиқарилганлиги, таклиф, тавсия ва

хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз ва ўзбек тиллари лексикологияси, лексикографияси, семантикаси, прагматикаси ва паремиологияси бўйича назарий манба яратишда, дарслик ҳамда қўлланмаларни такомиллаштиришда, махсус курслар учун қўшимча материаллар беришда, инглиз ва ўзбек тилларидаги халқ мақолларининг замонавий академик ва ўқув луғатларини такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар турли тизимли тилларнинг мураккаб бирликлари таркибидаги градуонимия ва унинг лингвопрагматик хусусиятларини тадқиқ қилишда илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан янги типдаги инглиз ва ўзбек халқ мақолларининг паремиологик луғатларини тузиш, мавжуд луғатлардаги изоҳ ва шарҳларни мукамаллаштириш, лексикологик маълумотларни компьютерлаштиришда кенг фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари градуоним компонентли мақоллар муқобилларини тўғри танлашга доир ишлаб чиқилган тавсиялардан амалий фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларига хос халқ мақолларининг таркибида мавжуд бўлган градуонимлар ва уларнинг лингвопрагматик хусусиятларини чоғиштирма тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

градуонимия лексик-семантик парадигмаси, инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларнинг структур, семантик, лингвомаданий ва лингвопрагматик хусусиятлари, мазкур тиллардаги мақоллар таркибида мавжуд градуонимик муносабатлар ва уларнинг турлари, инглиз ва ўзбек халқ мақолларидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик хусусиятларини тадқиқ қилишга оид илмий хулосалари билан боғлиқ натижалари Халқаро Мақолшунослик Жамияти (International Association of Paremiology (AIP-IAP, UNESCO)) томонидан Португалиянинг Тавира шаҳрида ўтказилган «13-Мақоллар бўйича Соҳалараро Коллоквиум (13th Interdisciplinary Colloquium on Proverbs)»нинг иштирокчилари учун илмий семинар ўтказишда фойдаланилган; шунингдек, «Dictionary of English and Uzbek national proverbs containing graduonyms/Graduonim komponentli ingliz va o‘zbek xalq maqollari lug‘ati» коллоквиумнинг халқаро кўргазмасига киритилган (Халқаро Мақолшунослик Жамиятининг 2019 йил 11 ноябрдаги 508563151-сон далолатномаси). Натижада мақолларнинг лингвопрагматик хусусиятларини қамраб олган «паремиопрагматика» соҳаси асосланган;

инглиз ва ўзбек халқ мақоллари, улардаги синонимик, антонимик ва градуонимик муносабатлар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини чоғиштириб ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканалининг маданий-маърифий мавзудаги «Болалар учун» эшиттиришининг «Инглиз тили

сабоқлари» саҳифаси ва «Таълим ва тараққиёт» радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали ДУКнинг 2017 йил 16 октябрдаги 0218-1-92-сон маълумотномаси). Натижада инглиз тилини ўрганувчиларга сўзларнинг даражаланиши, ўзаро маънодошлиги ҳамда контекстуал маъно яқинлигини ҳисобга олган ҳолда янги лексикани ўзлаштириши кулай эканлиги, градуонимик муносабатга эга инглиз ва ўзбек халқ мақолларида ўзига хос ўхшаш ва фарқли хусусиятларнинг мавжудлиги асосида уларни таржима қилиш ҳамда ўрганишнинг янада осонлашиши исботланган;

ўзбек тилидаги мақолларнинг инглиз тилидаги муқобилини танлаш ҳамда инглиз тилидаги мақолларнинг ўзбек тилидаги муқобилини танлаш жараёнида мақолларнинг лингвопрагматик хусусиятларига оид материаллардан И-ОТ-2019-42 рақамли «Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл атори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш» мавзусидаги инновацион лойиҳанинг «Миллий прагматик ассоциатив тушунчалар таржимаси» бўлимида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3917-сон маълумотномаси), бунда ўзбек ва инглиз тилларидаги мақоллар муқобилларини танлашга оид лингвистик мезонлар ишлаб чиқилган ҳамда улар лойиҳа ишида қўлланилган;

градуонимия ҳодисаси, инглиз ва ўзбек халқ мақоллари таркибидаги мавжуд градуонимик муносабатлар таснифи ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларига оид илмий-назарий хулосалар асосида диссертантнинг «Dictionary of English and Uzbek national proverbs containing graduonyms/Graduonim komponentli ingliz va o‘zbek xalq maqollari lug‘ati» (ISBN 978-9943-6040-3-2) нашр эттирилди ҳамда олий таълим муассасалари дарс машғулотида фойдаланилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3917-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларнинг таржимада муқобилларини бериш бўйича тавсиялар берилган;

градуонимия лексик-семантик парадигмаси, унинг тилнинг турли сатҳларидаги ўрни, инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларнинг структур, стилистик, семантик ва лингвомаданий хусусиятлари, мазкур тиллардаги мақоллар таркибида мавжуд градуонимик муносабатлар ва уларнинг турлари, мақолларнинг лингвопрагматик жиҳатлари ҳамда вазибалари, инглиз ва ўзбек халқ мақолларидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик хусусиятларига оид илмий хулосалари билан боғлиқ натижалари Ўзбекистон Миллий университети Хорижий филология факультети «5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)» бакалавриат таълим йўналишида «Тилшунослик», «Таржима назарияси ва амалиёти», «Ўрганилаётган тил назарий аспекти» («Лексикология» ва «Стилистика») фанлари ҳамда «5A120102-Лингвистика (инглиз тили)» магистратура мутахассислигида «Қиёсий тилшунослик» ва «Замонавий лингвистика» («Лингвомаданиятшунослик» ва «Прагмалингвистика») фанлари бўйича намунавий дастурлар мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий

ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3917-сон маълумотномаси). Бунда турли тизимли тилларга хос мақолларнинг таркибида учрайдиган градуонимлар ва уларга хос лингвопрагматик хусусиятларнинг атрофлича тадқиққа тортилиши орқали олинган натижалар тил ўргатиш амалиётида кенг фойдаланилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий мақола ва 1 та илмий-оммабоп луғат чоп этилган бўлиб, шулардан 10 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 2 таси илмий мақола хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий ахамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Тилшуносликда градуонимик муносабатлар тадқиқи**» деб номланган биринчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, «Градуонимик муносабатлар ва уларнинг тадқиқи» параграфида янги лингвистик тушунчалардан бири – «градуонимия» парадигмаси, унинг ўрганилиш тарихи ва ўзига хос хусусиятлари, унинг бошқа лисоний бирликлар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тадқиқига оид манбаларда келтирилган фикрлар баён этилган ва уларга муносабат билдирилган.

Умумий тилшуносликнинг янги соҳалари, яъни социолингвистика, когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, паралингвистика, психолингвистика, этнолингвистика, лингвопрагматика, компьютер тилшунослиги, корпус лингвистикаси ва бошқаларнинг вужудга келишига асосий сабаб тилшуносликнинг эмпирик (тасвирий, тавсифий) босқичидан¹³

¹³ Ойзерман Т.И. Статья первая. Эмпирическое и теоретическое: различие, противоположность, единство // Вопросы философии. № 12, 1985. – С. 46-61.; Ойзерман Т.И. Статья вторая. Эмпирическое и теоретическое: различие, противоположность, единство // Вопросы философии. № 1, 1986. – С. 74-81.; Пузиков П.Д. Анализ и синтез от мысли к вещи. – Минск: Наука и техника, 1983. – 136 с.

диалектик (муносабатдорлик, моҳият) босқичига¹⁴ тадрижий равишда ўтаётганлигидир, яъни тилшуносликнинг бошқа ён соҳалар билан алоқадорлиги ва бу алоқадорлик натижасида вужудга келувчи ўзаро таъсирлар ҳамда хусусиятларни тилшуносликни бошқа соҳалардан ажратмаган ҳолда ўрганиш замонавий тилшуносликнинг асосий вазифаларидан бирига айланган. Мазкур методологик жараён нафақат умумий тилшуносликда, балки хусусий тилшуносликда ҳам ўз аксини топмоқда. Бинобарин, ўзбек тилшунослигида градуонимия (даражаланиш) парадигмаси айнан тил бирликлари орасидаги ўзаро муносабатларни кўрсатувчи тушунча сифатида талқин этилди.

Градуонимия термини илк бор ўзбек тилшунослигида 1989 йил сўзлараро маъно муносабатларининг бир кўриниши сифатида «градуономия»¹⁵ тарзида қўлланилган; бунда градуонимияга луғавий даражаланиш сифатида қаралиб, ушбу ҳодисада лексик маънолари маълум бир белги-хусусиятнинг турли даражалари билан боғланган лексик-семантик гуруҳ(ЛСГ)лар ажратилиши айтиб ўтилди. Лисоний бирликлар маълум бир белгисининг ўсиб ёки камайиб боришига кўра ўзаро зидланишини акс эттирувчи «градуонимия» термини ўзбек тилшунослигида лисоний маъно муносабатини акс эттирувчи синонимия, омонимия, антонимия кабиларнинг умумий таркибий қисми бўлган *-онимия* қисмини лотинча *градус* («даража», «босқич») сўзи билан бириктириш асосида сунъий равишда ясалди¹⁶.

Градуонимия парадигмасининг ўзига хос хусусиятлари, унинг бошқа лисоний ҳодисалар (градация, климакс, интенсификация, муболаға, градуаллик, градуатор, сифат даражалари каби)дан ажралиб турувчи жиҳатлари, бошқа лексик-семантик парадигмалар (синонимия, антонимия, гипонимия, меронимия (партонимия)/холонимия, плесионимия каби) билан ўхшаш ва фарқли томонлари ҳамда улар билан ўзаро муносабати О.Бозоров, Ш.Орифжонова, Н.Д.Ширинова, Л.Н.Элмурадова, Н.Воҳидова, Ж.Ш.Джумабаева ва Ғ.Раҳмонов каби ўзбек тилшунослари томонидан чуқур тадқиқ қилинди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан градуонимия тушунчаси умумлингвистик ҳодиса эканлиги исботланди ва ушбу термин турли қўлланмалар, дарсликлар ва тилшунослик терминларининг изоҳли луғатларига киритилди.

Ушбу бобнинг «Тилнинг турли сатҳларида градуонимик муносабатларнинг ўрганилиши» деб номланган иккинчи параграфиди градуонимик муносабатларнинг тилдаги турли кўринишлари ва унинг тилнинг барча сатҳларида кўзга ташланиши ҳақидаги мавжуд фикр-мулоҳазалар ўрганилган. Градуонимия тилнинг турли сатҳларида бир нечта тил ҳодисалари билан боғлиқликни ўзида намоён этади. Градуонимиянинг тилнинг турли

¹⁴ Андреев И.Д. Диалектическая логика. – М.: Высшая школа, 1985. – 367 с.; Бобосов Е.М. Диалектика анализа и синтеза в научном познании. – Минск: Изд-во АН БССР, 1963. – С. 328-343.; Диалектическая логика. Книга 2. Под редакцией проф. З.М. Оруджиева, проф. А.П. Шептулина. – М.: Изд-во Московского университета, 1986. – 296 с.; Кириллов В.И. Логика познания сущности. – М.: Высшая школа, 1980. – 174 с.; Кумиш Ф., Оруджиев З. Диалектическая логика. Основные принципы и проблемы. – М.: Политиздат, 1979. – 286 с.

¹⁵ Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 6, 1989. – Б. 35-40.

¹⁶ Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 6, 1989. – Б. 37.

сатҳларига хослиги, мазкур сатҳлардаги даражаланишнинг бир-бирига ўтиши градуонимия майдонини ҳосил қилади. Чунки даражаланиш тилнинг фонологик (фонетик), морфологик, синтактик, стилистик, лексик ва фразеологик сатҳларига хос хусусиятни намоён этувчи лисоний майдон бўлиб, ушбу сатҳлардаги даражаланиш мазкур макромайдонни ҳосил қилувчи микромайдонлар ҳисобланади, улар ҳам ўз ўрнида бир-бирининг майдонига ўтган ҳолда ўзаро тадрижий тартибланишни намоён этади. Шу сабабли, градуонимияни лингвистик майдон сифатида таҳлил қилиш лисоний жиҳатдан аниқ ва аҳамиятга эга қарашларнинг яратилишига замин бўлади.

Градуонимия ҳам тилдаги лексик-семантик муносабатларнинг бир тури эканлигини назарда тутган ҳолда, унинг шакл ва мазмун комбинацияларида унинг ҳам ўрни борилигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Луғавий даражаланиш аъзолари (градуонимлар) доимо шаклан бир-бирини такрорламаслиги, градуонимик қаторда кетма-кет жой эгаллаган лексемаларнинг кўп ҳолларда синоним бўлиши ва унинг икки қарама-қарши томонида турувчи лексемаларнинг баъзида антонимик муносабатларга эга бўлиши О.Бозоров, Ш.Орифжонова ва Ж.Ш.Джумабаева ва яна бир нечта тилшунослар томонидан исботланганлигини таъкидласак, унинг шакл ва мазмун комбинациясидаги ўрни куйидагича, бироз мураккаб кўринишда бўлиши мумкин:

$ШЗ^1 - МФ^1 \rightarrow ШЗ^n - МФ^n \rightarrow \dots \rightarrow ШЗ^m - МФ^m$: градуонимия

Шаклан зиддиятчилик ва мазмунан фарқчилик градуонимиянинг доимий хусусияти бўлса (*дўнглик* → *тепалик* → *довон* → *қир* → *адир* → *тоғ*), шаклан ва мазмунан зиддиятчилик баъзи градуонимик қаторларигагина хос (*телба* → *нодон* → *аҳмоқ* → *тентак* → *гўсхўр* → *ақлли* → *зеҳнли* → *оқил* → *доно*).

Бобнинг учинчи параграфида паремиология соҳаси ўрганилди ва унга хос бўлган градуонимик муносабатлар таҳлил қилинди. Градуонимиянинг тилнинг турғун хусусиятга эга мураккаб бирликларига ҳам хослиги тўғрисидаги назария мантиқан асосли эканлиги фразеологиядаги даражаланиш хусусида олиб борилган бир нечта илмий ишларда исботлаб берилган. Турғун тил бирликларидан бири бўлган мақоллар ҳам бундан мустасно эмас.

Мақоллардаги градуонимик муносабатларни икки турга ажратиш мумкин: муайян бир мавзуга тегишли мақоллар орасидаги градуонимик муносабатлар – **мақолларнинг ташқи градуонимияси** ҳамда мақоллар таркибидаги градуонимик муносабатлар – **мақолларнинг ички градуонимияси**. Градуонимик парадигмани паремиология соҳасига олиб кириш мақолларнинг улардаги градуонимик муносабатлар асосида вужудга келган ўзига хос семантик бўёқдорлик, стилистик ифодавийлик ва прагматик таъсирчанлигини ўрганишга замин бўлади. Бу ҳолат мақолларни бир тилдан бошқа бир тилга ўгиришдаги муқобилликни аниқлаш, аналогларни топиш ва уларни ифодалаб берадиган эркин бирикмаларни танлашни осонлаштиради ҳамда матндаги ёки контекстдаги семантик аниқликни таъминлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек халқ мақолларида градуонимик муносабатлар**» деб номланган иккинчи боб учта параграфдан ташкил топган бўлиб, унда инглиз ва ўзбек халқ мақолларининг структур, стилистик ва лингвомаданий хусусиятлари ўзаро чоғиштирилган ҳолда ўрганилди; уларнинг семантик таснифи амалга оширилди; чоғиштирилаётган тиллардаги градуонимик муносабатларга эга халқ мақоллари ўрганилди ҳамда уларнинг таснифи амалга оширилди; инглиз ва ўзбек халқ мақоллари таркибидаги градуонимик муносабат турлари мисоллар ёрдамида таҳлил қилинди ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилди.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги мақоллар структур жиҳатдан содда ва мураккаб турларга ажратиб ўрганилди, бунда инглиз тилида ўзбек тилидан фарқ қилган ҳолда беш ва тўққизта компонентдан иборат мураккаб тузилишга эга мақоллар мавжуд эмаслиги ҳамда миқдор жиҳатдан мураккаб таркибли мақоллар ўзбек тилида инглиз тилидагига нисбатан сезиларли даражада кўплиги аниқланди.

Метафора, эллипсис, ўхшатиш, аллитерация, такрор, параллелизм, муболаға, антитеза, жонлантириш, синекдоха, метонимия, сўз ўйини каби стилистик воситалар ҳар икки тилдаги мақолларнинг таркибида аниқланди. Мақолларнинг стилистик салоҳияти уларнинг муайян бир мулоқот ҳолатларида ёки матн турларида (бадий, публицистик, расмий, илмий, газета каби) қўлланилиши ёки қўлланилмаслигига (диатекстуал маркер), ёзма ва оғзаки мулоқотда учрашига (диамедиал маркер), расмий ёки норасмий вазиятларда ишлатилишига (диафазик маркер) ва фақат алоҳида бир ижтимоий гуруҳ томонидан қўлланилишига (диастратик маркер) қараб белгиланиши ўрганилди.

Халқнинг миллийлигини акс эттирувчи лингвокультуремалар мақолларнинг компонентлари сифатида уларнинг таркибида учрайди ҳамда мақоллар ўзида мазкур мақол эгаларининг миллий, диний, тарихий тушунча ва воқеликларини ҳамда маданиятини акс эттира олгани сабабли уларнинг ўзи ҳам лингвокультуремалар ҳисобланади. Инглиз ва ўзбек халқ мақолларининг лингвомаданий хусусиятлари ўзаро чоғиштирилиб ўрганилганда, бир тилдаги мақолларнинг бошқа бир тилдаги муқобиллари ҳар доим ҳам учрамаслиги ўз исботини топди. Шунингдек, икки миллатга тегишли бўлган ўзаро муқобил мақоллар мавжуд бўлса-да, улар ҳар доим ҳам бир-бирининг ўрнига қўлланила олмаслиги маълум бўлди. Чунки мақолларнинг таркибидаги лингвокультуремалар уларга фақатгина ўша миллатга хос миллий колоритни акс эттиради ва бу ҳолат унинг бошқа бир тилдаги муқобилини бериш жараёнида қийинчиликларни туғилишига сабаб бўлади. Баъзи ҳолларда инглиз ва ўзбек тилларида семантик, структур ёки стилистик хусусиятлари ўзаро ўхшаш бўлган мақоллар ҳам учраб туради, лекин бир тилдаги мақолнинг бошқа бир тилдаги ҳар томонлама мос келувчи муқобили ҳар икки тилдаги мақолларнинг ҳар бирини бу мақол тегишли бўлган миллатнинг мазкур мақолда акс эттирилаётган тушунчага нисбатан муносабатини чуқур англаб етган ҳолда танланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳар қандай табиий тил таркибидаги мақоллар орасида вақт ўтиши билан жамият ва тилдаги ўзгаришлар натижасида бир ёки бир нечта компоненти ўзгариши сабабли бир нечта вариантга эга бўлган мақоллар ҳам учрайди, яъни бунда сўз ёки жумла бошқа сўз ёки жумла билан ўрин алмашиши, ўрнини ўзгартириши, тушиб қолиши ёки янги сўз ёки жумла қўшилиши назарда тутилмоқда. Бундай мақолларни «инвариант мақоллар»¹⁷ деб аталиб, бу каби мақоллар ўз ўрнида «синоним инвариант мақоллар», яъни таркиби ўзгарса ҳам мазмуни ўзгармаган мақоллар: *Measure twice, cut once; Measure thrice and cut once; Score twice before you cut once; Етти ўлчаб, бир кес; Саккиз ўлчаб, бир кес; Икки қўчқорнинг калласи бир қозонда қайнамас; Бир қозонда икки қўчқорнинг калласи қайнамайди* ҳамда «синоним бўлмаган инвариант мақоллар», яъни мазмуни таркиб ўзгариши сабаб ўзгарган мақоллар: *Nothing so bad, as not to be good for something; Nothing so bad in which there is not something of good; Бир бош – бир бош, Икки бош – икки бош; Бир бош – бало бош, Икки бош – мардона бош* каби ички турларга ажратилди.

Ҳозирги кунда ўзида миқдор жиҳатдан энг кўп ўзбекча мақолларни жамлаган мавзулаштирилган Т.Мирзаев, А.Мусоқулов ва Б.Саримсоқов томонидан ҳаммуаллифликда яратилган паремиологик тўпламда 8000 дан ортиқ мақоллар 70 та мавзуга ажратилган¹⁸. Инглиз тилидаги мақолларнинг энг йирик мавзулаштирилган изоҳли луғати *The Oxford Dictionary of Proverbs* бўлиб¹⁹, унда 2000 дан ортиқ мақоллар 237 та семантик гуруҳга ажратилган бўлиб, уларнинг тахминан 60 таси ўзида 10 тадан ортиқ мақолларни жамлаган. Мазкур икки тўпламда ҳам топиладиган катта семантик гуруҳлар ва уларга кирувчи мақоллар сонининг чоғиштира таҳлили амалга оширилганда шу нарса маълум бўлдики, ўзбек халқида инглиз халқига нисбатан мақолларнинг кўплиги ва уларни ўз нутқида фаол қўллаши сабабли мақолларнинг умумий сониди ҳам, уларнинг семантик гуруҳлари ичидаги миқдорида ҳам катта фарқ сезилади. Хусусан, «яхшилиқ ва ёмонлик», «нодонлик ва донолик», «меҳнаткашлиқ ва ишёқмаслик», «оила ва қариндошчилик», «календарь бирликлари (йил, фасл, ой, ҳафта, кун, в.б.) ва табиат ҳодисалари (об-ҳаво)», «эҳтиёткорлик ва таваккалчилик», «дўстлик ва қадрдонлик» каби мавзулардаги мақолларнинг икки тилдаги миқдори кескин фарқ қилади. Шунга қарамай, «севинч ва ғам» ва «ўлим» ҳақидаги мақоллар мазкур икки тилда тенг миқдорда топилади. Бир-бирига қардош бўлмаган бу икки тилда бир хил мавзуга доир мақолларнинг мавжудлиги барча инсонларнинг муайян умумий тушунча ва қарашларга эга эканлигини исботлайди. Лекин бир тилдаги бир мавзуга доир мақоллар доимо ўзаро синонимлик муносабатга эга ёки икки тилдаги бир семантик гуруҳга оид мақоллар ўзаро муқобил бўлиб келади деб ҳисоблаш хато бўлади. Чунки ҳар қандай мақол ўзининг семантик бўёқдорлиги, ўзига хос мазмунга эга бўлиши, стилистик салоҳияти ва лингвокультурологик хусусиятлари билан нафақат ўша

¹⁷ Жигарина Е.Е. Современное бытование пословиц: вариативность и полифункциональность текстов. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2006. – С. 16-18.

¹⁸ Мирзаев Т., Мусоқулов А. ва Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. Т.: Шарқ, 2005. 257 б.

¹⁹ Speake J., Simpson J. *The Oxford Dictionary of Proverbs*. Fifth Edition. – N.Y.: Oxford University Press, 2008. – 625 p.

тилдаги унга маънодош бўлган бошқа бир мақолдан, балки бошқа бир тилдаги унинг муқобилидан ҳам фарқ қилади. Муайян бир тилда ёки бир тил оиласига мансуб бир нечта тилларда мавжуд, лекин бошқа тилларда учрамайдиган семантик мавзулар ҳам борки, бу каби мавзулар фақат мазкур мавзуларга оид мақоллар мавжуд бўлган тил эгаларининг миллий маданияти ва менталитетига хос бўлган хусусиятларни ўзида акс эттиради. Масалан, «христиан динига оид» ва «инглиз миллатига хослик» мавзуларидаги мақоллар ўзбек тилининг паремиологик тўпламида умуман топилмайди. Ўз ўрнида «меҳр-оқибат ва оқибатсизлик», «ор-номус ва номуссизлик», «андиша ва андишасизлик», «фаросат ва фаросатсизлик», «мусулмончилик» каби мавзулардаги мақоллар нафақат инглиз тилида, балки бошқа Европа тилларида ҳам учрамайди.

Жаҳон тилшунослигида мақолларнинг турли таснифлари амалга оширилганлигига қарамай, уларнинг бир нечта тилдаги халқаро таснифи жуда кам топилади. Улар орасида М.Кюзи томонидан таклиф этилган мақолларнинг халқаро таснифи аъло даражадаги таснифлаш бўлиб, у ўзида кўплаб тилларга хос мақолларнинг тематикасини қамраб ола олади (1, 2, 3-иловаларга қаранг). Хусусан, ўзбек тилидаги мақолларни ҳам мазкур семантик тасниф асосида таснифлаб, ушбу таснифнинг икки тилли (ўзбек ва инглиз) электрон тўплам шаклини яратиш ҳамда ўзбек халқ мақолларини ҳам ушбу халқаро таснифга киритиш ўзбек паремиологиясининг янада ривожланишига сабаб бўлади деб ҳисоблаймиз.

Мақол таркибидаги ички даражаланиш муносабати бевосита унинг компонентлари орасидаги луғавий градуонимияга асосланади. Ж.Ш.Джумабаева томонидан луғавий градуонимиянинг макроградуонимия, микроградуонимия, циклик градуонимия ва уникал градуонимия турларига таъриф берилган²⁰. Ушбу таснифга қўшимча равишда **микдорни англатувчи градуонимияни** ҳам киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу турдаги градуонимия ўз ичига санок сонлар, тартиб сонлар, каср сонлар, тақсим сонлар, жамлов сонлар, чама сонлар каби барча турдаги сонларни (*нол – бир – икки – уч – ...; биринчи – иккинчи – учинчи – ...; икков – уччов – тўрттов – ...; икковлон – уччовлон – тўрттовлон – ...; в.б.*), ўлчов бирликларини (*сантиметр – метр – километр; грамм – килограмм – тонна*), пул бирликларини (*чақа/тийин – мири – сўм/манга; пенни – шиллинг – краун – фунт (стерлинг)*), микдорни англатувчи отларни (*учбурчак – тўртбурчак – бешбурчак – ...; twins – triplets – quadruplets – quintuplets – ...*), микдорни англатувчи баъзи сифатлар, равишлар ва феълларни (*single – double – triple – quadruple – quintuple – ...*) ўз ичига олади.

Микроградуонимиянинг лексема маъносидаги белгининг ошиб боришини ифодалайдиган тури «ўсувчи микроградуонимия» деб номланса, унинг сўз маъносидаги белгининг камайиб боришини ифодалайдиган тури «камаювчи микроградуонимия» деб аталади. Агар макроградуонимик қатор аъзолари учта бўлса, ушбу макроградуонимик муносабат «йиғиқ макроградуонимия» дейилади, агар бундай қатор аъзолари учтадан ортса, ушбу макроградуонимик

²⁰ Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол. фан. докт. дисс. ... автореф. – Т., 2016. – Б. 26-27.

муносабат «ёйиқ макроградуонимия» дейилади. Макроградуонимиянинг мазкур ички турлари яна ўз ўрнида лексема маъносидаги белгининг ошиб ёки камайиб боришини ифодалашига кўра ўсувчи ва камаювчи турларга ажралади. Уникал ва миқдорни англатувчи градуонимия турлари ҳам микроградуонимия каби лексема маъносидаги белгининг ошиб ёки камайиб боришини ифодалашига кўра ўсувчи ва камаювчи турларга бўлинади. Циклик градуонимия мазмунан айланувчан даражаланиш қаторини ифодаллагани боис унинг ўсувчи ёки камаювчи, йиғиқ ёки ёйиқ турларга ажратишнинг мантиқан имкони йўқ (4-иловага қаранг). Градуонимиянинг юқорида санаб ўтилган барча турлари ҳам инглиз тилидаги, ҳам ўзбек тилидаги мақолларнинг таркибида кўзга ташланади.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек мақоллари таркибидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик тадқиқи**» деб номланган учинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, ушбу бобда мақолларнинг лингвопрагматик хусусиятлари, инглиз халқ мақоллари таркибидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик талқини, ўзбек халқ мақолларидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик хусусиятлари ва икки тилдаги градуонимик муносабатларга эга мақолларнинг чоғиштира прагматикаси масалалари мисоллар ёрдамида таҳлил қилинди.

Мақоллар нутқий акт сифатида тўлиқ мазмун ва интенцияга эга бўлиб, нутқий актнинг учта босқичи (локутив, иллокутив ва перлокутив) ҳам нутқда қўлланилаётган бир мақолнинг ўзида амалга ошади. Мақоллар айнан улардаги локутив жараённинг ўзоқ давом этиши ва иллокутив ҳамда перлокутив босқичлар эса уларда нибатан тез ва таъсирчан характерга эга ҳолда амалга ошиши билан бошқа лисоний бирликлардан тубдан фарқ қилади. Шу сабабли айнан мақолларни керакли жойда топиб ишлата билиш нутқни янада аниқ ва равон бўлишига асос бўлади. Мақол ҳам тугалланган, ҳам чуқур ва кенг мазмунга эга бўлганлиги сабабли у гапга, нутқий актга (хусусан, мақол нутқий актнинг ҳар бир турини ифодалаб кела олади), баъзида ҳатто ўз мазмунида коммуникатив интенцияни тўлиқ ифодалаган ҳолда матн ёки дискурсга ҳам тенг кела олиши исботланди.

Мақолнинг таг маъноси шу мақолнинг муайян бир контекстда қўлланилиш ҳолатида юзага чиқади. Мақолнинг нутқда қандай ҳолатларда кимлар томонидан қандай интенция билан қўлланилиши унинг «прагматик салоҳият»ини белгилаб бериши аниқланди. Шуниндек, мақоллар уларнинг юқорида санаб ўтилган прагматик хусусиятларидан ташқари, уларнинг турли мулоқот ҳолатларида турлича инференция (пресуппозиция, экспликатура ва импликатура)ларни ҳамда интенцияларни ифодалашини; бир контекстнинг ўзида (одатда бадий контекстларда) бир маротаба қўлланилиш ҳолатида ҳам бир нечта функцияларни (социологик, дидактик, лингвокультурологик, прагматик) ва бир нечта интенцияларни (полиинтенционалик) амалга ошириши; мулоқот жараёнида қўлланилаётганда мулоқот иштирокчиларининг шахсий-ижтимоий хусусиятларини, мулоқотдаги вазият, замон ва макон каби прагматик омилларни ўзида акс эттира олиши; мулоқотнинг мазмуний ва мундарижавий

яхлитлигини англатувчи трансакциясининг бир қисми бўла олиши каби прагматик хусусиятларга эга эканлиги сабабли мақолларнинг прагматик хусусиятларини ўрганувчи **пареміопрагматика** соҳасини лингвопрагматиканинг замонавий йўналишлари қаторига қўшиб қўйиш вазифаси бажарилди.

Тадқиқот давомида ўрганилган инглиз тилидаги мақоллар сони ўзбек тилидагидан кўра бир неча баробар кам бўлишига қарамай, инглиз тилида ички градуонимик муносабатга эга мақолларнинг шу тилдаги мақолларнинг умумий миқдоридаги улуши ўзбек тилида ички градуонимик муносабатга эга мақолларнинг мазкур тилдаги мақолларнинг умумий миқдоридаги улушига нисбатан бирмунча кўпроқ эканлиги аниқланди.

Чоғиштирилаётган тиллардаги барча мақоллар таркибида учрайдиган градуонимия турлари орасида умумий ҳисобда энг кўп учрайдиган градуонимик муносабат макроградуонимия бўлса, энг ками уникал градуонимиядир (5-иловага қаранг). Макроградуонимиянинг градуоним таркибли инглиз халқ мақолларининг умумий миқдоридаги улуши градуоним таркибли ўзбек халқ мақолларининг умумий миқдоридаги улушидан деярли икки баробар кўп. Микроградуонимик муносабат эса икки тилдаги мақолларда ҳам деярли тенг улушга эга. Миқдорни англатувчи градуонимиянинг градуоним таркибли ўзбекча мақолларнинг умумий миқдоридаги улуши шундай таркибга эга инглизча мақолларнинг умумий миқдоридаги улушидан деярли икки баробар ортиқдир. Ўз навбатида ҳам циклик, ҳам уникал градуонимиянинг градуоним компонентли мақолларнинг умумий ҳисобидаги улуши ўзбек тили таркибида инглиз тилидагидан кўра икки баробар кўпроқ бўлса, таркибида турли градуонимик қаторлар аъзолари қатнашган мақолларнинг ушбу ҳисобдаги улуши ҳар икки тил учун ҳам бир хил эканлиги яққол кўзга ташланади (6-иловага қаранг).

